O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ушбу сонда:

2 БЕКОР БЎЛГАН ШАРТНОМА

КЕЧИККАН ТЎЛОВ 3

МЕРОС ТУЙҒУ

4 ДУНЁНИ МАФТУН ЭТГАН АЁЛ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 38 (394)
2004 йил
5 октябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 18-МОДДА.

СУД ВА САЙЛОВ: КАФОЛАТЛАНГАН ҲИМОЯ

Асосий қонунимиз бўлмиш Конституциянинг 32-моддасида мамлакатимиз фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги кафолатланган. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат идораларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Асосий Қомусимизда белгилаб қўйилган яна бир муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири — бу фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Сайлов жараёнларида овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан ҳисобланмиш давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлаш ва уни амалга оширишда сайлов комиссияларининг аҳамияти жуда катта. Сайлов комиссиялари **"Сайлов тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ бир қатор ваколатларни амалга оширади. Сайлов комиссиялари мазкур ваколатларни амалга ошириш жараёнида сайловчилар рўйхатида нотўғриликларга ёки қонунга зид қарорлар қабул қилиш ҳолатларига йўл қўйиши ҳам мумкин. Шу ўринда сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар деганда фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми бузиб ёзилгани ва ҳоказолар тушунилади.

Фуқаро сайловчилар рўйхатидаги камчиликлар ва хатоликлар устидан участка сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Участка сайлов комиссияси фуқаронинг аризасини йигирма тўрт соат ичида кўриб чиқиши лозим. Агар фуқаро участка сайлов комиссиясининг қароридан норози бўлса, ушбу қарор устидан ёки сайлов комиссиясининг бошқа хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан тегишли сайлов участкаси жойлашган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик процессуал кодекснинг 270-моддаси мазмунига кўра, фуқарога ўзининг сайловга оид ҳуқуқлари бузилгани маълум бўлган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, фуқаро юқори турувчи сайлов комиссиясидан ёки участка сайлов комиссиясидан шикоятини қаноатлантириш рад этилгани тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой ёки фуқаро ўзининг шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ўтгандан кейин туманлараро судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Айтиш мумкинки, муқаддам амалда бўлган фуқаролик процессуал қонунчиликдан фарқли ўлароқ, Фуқаролик процессуал кодексида сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан даставвал мазкур участка сайлов комиссияларига ёки ундан юқори турувчи комиссияларга мурожаат қилиш мажбурий қилиб кўрсатилмаган. Демак, суд сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)дан норози бўлиб, мурожаат қилган фуқаронинг шикоятини ушбу шикоят даставвал мазкур сайлов комиссиясида кўрилиши лозимлигини кўрсатиб, шикоятни қабул қилишни рад этиши мумкин эмас.

Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят билан мурожаат қилган шахсларга қонунчилик бир қатор процессуал қулайликларни яратадики, ўз навбатида ушбу қулайликлар манфаатдор шахсларни суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларининг кафолатланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг **"Давлат божи ставкалари тўғрисида"**ги 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарорига кўра, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан давлат божлари судга шикоят бериш жараёнида эмас, балки иш юзасидан суд ҳал қилув қарори чиқарилганидан сўнг ундирилади.

(Давоми иккинчи бетда)



Жамият тараққий этгани сари сўз ва ахборот эркинлиги долзарб аҳамият касб этади. Ушбу ҳаётий эҳтиёжни қаноатлантириш эса матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Хўш, шундай экан, бу борада асосан нималарга кўпроқ эътибор қаратиш керак? Бу саволга жавоб беришдан олдин шуни таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари даврида ахборот ҳам товар мақомини олиши айни ҳақиқат. Чунки ўқувчи газета ўқиш, яъни ахборотлардан хабардор бўлиш учун уни сотиб олади. Ўз навбатида ана шу маблағ ҳисобига газета чоп этилади. Аниқроқ айтганда, ўқувчи эҳтиёжларини қаноатлантириш учун журналистлар фидокорона меҳнат қилиши, ҳар бир масалага холис ёндашиши зарур. Бу эса газетхон ва таҳририят ўртасида доимий мустаҳкам ҳамкорлик зарурлигини тақозо этади.

Шу маънода айтиш жоизки, обуна йил — ўн икки ой узлуксиз кечадиган доимий жараёндир. Ўқувчи ва таҳририят ўртасида амалга ошадиган бундай мулоқотда ўқувчи манфаати ҳамиша бирламчи саналади. Ана шу талаб қалам аҳли зиммасига жуда катта масъулият ва жавобгарлик юклаш баробарида мудом изланиш, ахборотни тезкор тақдим этишнинг янги усулларини топишини талаб этади.

Албатта, газета орқали ҳамманинг эҳтиёжини бирдек қаноатлантириш жуда мушкул юмуш. Бундай оғир ва масъулиятли вазифани адо этиш учун ҳар бир нашр холислик мезонига қатъий амал қилиши лозим. Ана шу йўл билангина ўқувчи манфаати кафолатли ҳимоя қилинади. Чунки холис ахборот ҳамма учун бирдек аҳамиятга эга. Қолаверса, тўғри ва холис ахборот ижтимоий фикрни юзага келтириб, жамият тараққиётини илгари силжитади.

Обуна ҳақида гап кетганда, оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзига хос рақобатни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Зотан, радиотелевидениенинг имкониятлари тобора кенгаяётган, кун-кунора туфа хилдаги газета-журналлар чоп этилиб турган палада ўқувчилар ишончини қозониш осон иш эмас. Ўз ўқувчисини топмаган газета эса рақобат бозорида ютқазиши тайин. Шу сабабли ҳар бир таҳририят ўз фаолиятини ўқувчи манфаатига мослаштирмаса, кўзлаган мақсадига етишолмайди.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳар қандай газета ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ҳолда фаолият юритади. Таъбир жоиз бўлса, обуна тадбири икки ҳамкорнинг беғараз ва холисона бурчидир. Албатта, бу ўринда бурч ўзига хос масъулият эканини, уни виждонан бажариш лозимлигини эслатишга ҳожат йўқ.

Мазкур мулоҳазалар бевосита бизнинг таҳририятимизга ҳам тааллуқли. Зотан, айни кезларда биз ҳам бир йиллик фаолиятимизни сарҳисоб қилиб, келгуси йил режаларини тузаяпмиз. Хусусан, келгуси йилда газета саҳифаларида қонун ижодкорлиги, ижро интизоми, ҳуқуқий саводхонлик, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги муаммо ва ютуқлар, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини ёритишнинг янгича усул ва йўлларини ишлаб чиқмоқдамиз. Газетамиз ўз йўналишидан келиб чиқиб, ҳуқуқ ва қонунчилик жараёнини мунтазам ёритиб боради. Бинобарин, жамиятда адолат ва холисликни таъминлашнинг бирдан-бир йўли қонунга амал қилишдир. Чунки қонун адолат ва холислик мезони ҳисобланади. Шу маънода жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашда газетамиз холис минбар вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Дарвоқе, тарозининг икки палласи бўлганидек,ўқувчилар ҳам бизга кўмак беришлари лозим. Агар улар обуна мавсумида фаол иштирок этишса, бу билан зиммаларидаги улкан масъулиятни виждонан бажаришган бўлишади. Нега деганда, оммавий ахборот воситалари истиқболли жамият даражасини белгиловчи мезон вазифасини ўтайди.

Ўйлаймизки, ўқувчиларимиз ҳам бизни қўллаб-қувватлашади ва келгусида доимий ҳамкоримиз бўлиб қолишади. Зеро, халқимизда "қарс" икки қўлдан, деган гап бор. Демак, обуна бўлиш масъулиятини унутманг, азиз газетхон!

Обуна — 2005

ҲАМКОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Xabar

Жорий йилнинг 28 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.Полвонзода ва Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Муҳтор элчиси жаноб Ханс-Йоахим Кидерлен ўртасида учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонларни қизиқтирган бир қатор саволлар ва масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, суд-ҳуқуқ масаласида ўзаро ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистонда нодавлат, нотижорат ташкилотларининг фаолияти, уларни рўйхатга олиш борасидаги саволларга жавоб олинди. Ўзбекистоннинг жиноий қонунчилигида жазоларни либераллаштириш жараёни Германия вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида ҳуқуқий ҳамкорликнинг келгусидаги режаларини белгилаб олдилар.

Saylov qonunchiligi

САЙЛОВ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

ТЎРТИНЧИ МУЛОҚОТ

САВОЛ: Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар қонунчилик палатасига сайланадиган номзодларга нисбатан қўйиладиган талаблардан фарқланадими?

ЖАВОБ: *Сенатга сайланиш учун фуқаро Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш (25) ёшга тўлган ҳамда камида беш (5) йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенатга сайланиш учун номзод бўлишга ҳақли.*

САВОЛ: Маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда кимлар қатнашиши мумкин?

ЖАВОБ: *Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига депутатлар сайлови умумий ҳисобланади. Бу сайловларда сайлов куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайлаш ҳуқуқини амалга оширишлари мумкин. Сайланиш ҳуқуқига эса, сайлов куни 21 ёшга тўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.*

САВОЛ: Маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда ҳам кузатувчилар қатнашиши назарда тутилганми?

ЖАВОБ: *Қонунда шундай қоида бор. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиши мумкин.*

САВОЛ: Маҳаллий кенгашларга сайлов комиссиясини тузиш тартиби қандай?

ЖАВОБ: *Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари кенгаши томонидан сайловга камида саксон кун қолганида комиссиянинг раиси ва олтиўн тўрт нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади ҳамда ўз ваколатларини тегишли халқ депутатлари кенгашларига сайлов юзасидан навбатдаги сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунга қадар амалга оширади.*

(Давоми учинчи бетда)

Ajab savdolar

ТЕМИРСАНДИҚДАГИ ПУЛ

Яқинда Жиззахдаги "Gold — Bek" хусусий фирмаси раҳбари Назира Умарова ғалати бир воқеани бошидан кечирди. Гап шундаки, ўтган йил декабр ойида Н.Умаровадан Матлуба исмли дугонаси 270 минг сўм қарз сўрайди. Назира дугонасига қарз бериб, унинг ҳожатини чиқаради. Шу йилнинг 30 май куни эса Матлуба қаҳвахонага кириб, олган қарзини дугонасига бериб кетади.

Назира Умарова дугонаси қайтариб берган пулни ишхонасидаги темирсандиқнинг юқори қисмидаги алоҳида хонасига солиб қўяди. У ерда яна 14 минг 710 сўм пул ҳам бор эди. Фирма раҳбари темирсандиқнинг пастки қисмида савдодан тушган пулларни сақлаб келган.

Ўша куни қаҳвахонада 10 минг 300 сўмлик савдо хизмати кўрсатилган ва у назорат касса машинасига кирим қилинган. Савдо пули эса темирсандиққа солинган. Орадан бир соат вақт ўтгач, бу ерга Жиззах шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ва шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари текшириш ўтказишга келишади.

Улар фирма раҳбари Н.Умаровага темирсандиқни очишни буюришади, сўнг сандиқ ичидаги пулларни санаб кўришади. Шундан сўнг текширувчилар Н. Умаровага темирсандиқдан чиққан жами пулнинг миқдорини ва унинг назорат касса машинасига кирим қилинмагани ҳақида тушунтириш хати ёзишини айтишади. Н.Умарова ҳам темирсандиқнинг юқори қисмидаги пулларни савдога дахли йўқ деб тушунтириш хатида "кассага кирим қилинмаган" деб ёзади. Аниқроқ айтганда, текширувчилар темирсандиқдан чиққан ҳамма пулни солиқдан яширилган деб тушунишади. Хусусий фирма раҳбари эса текширувчилар назорат касса машинасига кирим қилинмаган пулларнинг ўзимники эканини билишди, деб ўйлайди. У текширувчилар олдида темирсандиқни очаётганда ва улар далолатнома тузиб ортига қайтишаётганда 284 минг 710 сўм пулни ўзиники эканини айтган эди-да.

Албатта, солиқ ходимлари ўз фаолиятларида баъзи тадбиркорлик субъектларининг шунга ўхшаш баҳона қидиришларига дуч келишган. Шу боис улар Н.Умаровaнинг гапини ҳам шундай баҳонага йўйишган шекилли... Акс ҳолда Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан 2004 йил 7 июнда "Gold — Bek" хусусий фирмасини 340 минг сўм молиявий жаримага тортиш тўғрисидаги қарори қабул қилинмас эди.

Иккинчи томондан, текширувчиларда хусусий фирма савдо пулини солиқдан яширганига шубҳа туғилганди. Негаки, текшириш чоғида музлаткичда қаҳвахонада сотиш учун кирим қилинмаган 55 минг 290 сўмлик "Балтика" пивоси, бир неча турдаги чанқовбосди ичимликлар топилганди. Лекин булар қаҳвахонадагиларнинг гувоҳлик беришларича, Н.Умарованинг меҳмонлари учун бир кун аввал бошқа жойдан харид қилиб келтириб қўйилган эмиш.

Хуллас, масала Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. Улар хусусий фирма раҳбарининг аризасини ўрганиш чоғида текширувчилар темирсандиқдан олинган 284 минг 710 сўм назорат касса машинасига кирим қилинмагани ҳақида асоссиз қарор чиқарилган, деган тўхтамга келишишди. Буни фуқаро М.Қораева ва бошқаларнинг берган гувоҳликлари, шунингдек, хусусий фирмага қарашли меҳмонхонада 24 майдан 2 июн кунгача ҳеч ким тунамагани каби бошқа далиллар ҳам исботлайди.

Адлия бошқармаси Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан "Gold — Bek" хусусий фирмасига нисбатан қўлланилган 340 минг сўм молиявий жаримaнинг 284 минг 710 сўм қисмини бекор қилиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво киритди. Хўжалик суди даъво талабини қаноатлантирди.

Хуллас, темирсандиқда сақланган шахсий пул ваколатли идора ходимларининг эътиборсизлиги туфайли тадбиркорни анча сарсон қилди.

Носир МАЖИДОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ijro nazorati

ТАҚДИМНОМА ТАЛАБИ

"Исомиддин" фермер хўжалиги 2001 йил 27 октябр куни Олот туман ҳокимининг 676-сонли қарори билан ташкил этилиб, унга 29 гектар ер майдони ажратиб берилган эди. Бироқ, ноўмаълум сабабга кўра, фермерга 1,35 гектар кам ер берилди.

Файзулла Хўжаев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида фоалият кўрсатиб келаётган "Исомиддин" фермер хўжалиги раҳбари Исомиддин Қурбонов шу йил 6 майда Бухоро вилояти адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, ер майдонни тўлиқ ажратиб беришга амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Маълумки, фермер хўжалиги тадбиркорлик субъекти сифатида бир қатор ҳуқуқларга эга. Булар сирасига фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида назарда тутилган доирада мустақил ташкил этиши ҳам киради. Ер тўлиқ ажратиб берилмаган бўлса, фермер қандай қилиб тадбиркорлик фаолиятини юритиши мумкин?

Мазкур саволга жавоб топиш мақсадида аризада кўрсатилган важлар жойида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Х.Мирзаев томонидан 2003 йил 11 сентябрда "Исомиддин" фермер хўжалигининг ер майдонида назорат ўлчови ўтказилган. Фермер хўжалигининг ер майдони 19,65 гектар экани аниқланган. Кам ажратилган 1,35 гектар ер "тақдири"ни ҳал қилишни текширувчи негадир ёдидан чиқарган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ijro nazorati

ТАҚДИМНОМА ТАЛАБИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шу боис вилоят адлия бошқармаси туман ҳокими И.Хўжаев ва вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи номига туман ер ресурслари хизмати бошлиғи томонидан содир этилган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритди. Орадан кўп ўтмай бу тақдимноманинг ижросини таъминланиб, вазиятни ўзгартиришга, адолатни тиклашга, фермер ҳақ-ҳуқуқини тиклашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилгани ҳақидаги жавоб хати олинди.

Бундан ташқари, шу тумандаги "Амударё" ширкат хўжалигидан Эломон Раҳматовнинг ариза билан мурожаат қилиши ҳам туман ҳокими номига тақдимнома киритилишига асос бўлди.

Хўш, фуқаронинг ариза ёзишдан муддаоси нима эди?

Эломон Раҳматов ширкат хўжалигининг 48 бош қўй-қўзиларини сотиб олган. У қўйларни боқиш учун яйлов ажратиб беришни сўраб тегишли идораларга мурожаат қилса-да, ҳақли талаби қаноатлантирилмаган. Шу ўринда табиий савол туғилади: Бу масалани туманнинг ўзида ҳал этиш мумкинмиди? Бунинг учун ҳуқуқий асослар етарлимиди?

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорининг 6-иловаси, 7-моддаси, 2-бандида **"чорвачилик фермер хўжалигининг янги эгасига нормативларга мувофиқ, белгиланган тартибда ер майдони ажратилади. Бунда комиссия маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда тузатишлар киритиши мумкин"** дея қайд этилган. Тақдимнома юзасидан юборилган маълумотномада Эломон Раҳматовга «кимошди» савдосида сотиб олган қўйларини боқиш учун 165 гектар ер майдони ажратиб берилгани маълум қилинган. Фуқаро сарсон-саргардонлигига барҳам берилиб, камчилик бартараф этилган.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, тақдимномаларнинг ижросини таъминлаш ўта муҳим вазифа эканини вилоятдаги баъзи мансабдор шахслар чуқур ҳис этмаяпти. Хусусан, адлия бошқармаси шу йил 25 июн куни вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи М.Нўъмонов номига Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори ижроси юзасидан йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби"** тўғрисидаги Низомнинг 83-бандида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан вилоятдаги тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши юзасидан йиғма ахборотни ҳар ойда вилоят адлия бошқармасига тақдим этилиши кўрсатиб ўтилган.

Афсуски, ҳукумат қарори талаби вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан асоссиз равишда бир неча ой давомида бажарилмаяпти. Чунончи, шу йил 12 февралда бошқарма бошлиғи номига 367-сонли хат юборилиб, йиғма ахборотни ҳар ойнинг 20 кунидан кечиктирмасдан тақдим этилиши сўралган эди. Аммо шундан сўнг ҳам бирон-бир ўзгариш бўлмади.

Йиғма ахборотнинг тақдим этилмаётгани оқибатида адлия бошқармаси томонидан вилоятдаги тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ўртасида тузилган шартномаларнинг қай даражада бажарилишини тўлиқ назорат қилиш имконияти чегаралаб қўйилмоқда. Киритилган тақдимномаларнинг ижроси юзасидан ҳозирга қадар ҳам ахборот берилмаган.

Вилоят адлия бошқармасида ҳар бир қонунбузилиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари бўйича махсус назорат карточкалари юритилмоқда. Қонунбузилиш бартараф этилиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилиб, қонунбузилишларнинг бундан кейин содир этилишининг олди олинганлигига ишонч ҳосил қилингандан сўнг улар назоратдан чиқарилмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, тақдимномалар номигагина киритилмайди. Унинг ижросини таъминламаслик айбдор жавобгар шахсларнинг қонуний жазо тортилмай қолишига, қонунбузарликлар давом этишига олиб келиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳол билан эса мутлақо келишиб бўлмайди.

Улуғбек ҲАҚҚИЕВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

СУД ВА САЙЛОВ: КАФОЛАТЛАНГАН ҲИМОЯ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Агар фуқаро томонидан берилган шикоят суд томонидан қаноатлантирилса, давлат божи (мазкур туркумдаги ишлар юзасидан давлат божи энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ундирилади) мансабдор шахсдан ундирилиши кўрсатилган, агар шикоят суд томонидан қаноатлантирилмаса, давлат божи шикоят билан мурожаат қилган шахсдан ундирилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 272-моддасида сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриш муддати ва тартиби баён этилган. Унга кўра, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Агар шикоят сайлов куни берилгудек бўлса, у ҳолда (агар ушбу кун дам олиш кунига тўғри келмаса) суд ишни дарҳол кўриб чиқиши талаб этилади.

Мазкур туркумдаги фуқаролик ишларининг муҳим сиёсий аҳамият касб этишини ҳисобга олган ҳолда судлар ишларни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни кўришлари, иш фаолиятларини шикоятни мумкин қадар ўз вақтида кўриш ва ҳал қилиш учун ташкил этиши лозим.

Шикоят суд томонидан аризачи ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш жараёнида ушбу шахсларнинг суд чақирувига биноан суд мажлисига келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Лекин судья узрсиз сабабларга кўра, суд мажлисига келмаган айрим процесс иштирокчиларига нисбатан хусусий ажрим чиқариб, юқори турувчи идораларига юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига ижро учун топширилади. Кўриниб турганидек, мамлакатимиз қонунчилигида сайловчиларнинг ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланган.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Давлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

Qonun ijrosi

Худо урганни пайғамбар ҳассаси билан туртибди, деган нақл бор. Ишинг бир орқага кетса, кетаверар экан. Шу денг, "Шерали ота" фермер хўжалигининг иши юришмай қолди. Бунга айбдор аввало хўжалик раиси Л.Эсоновнинг ўзи эди. Гулистон тумани ҳокимлигидан 35,6 гектар ерни 30 йилга ижарага олган фермер ундан ўз билганича фойдаланишни кўзлаган шекилли, аввало, сўнгги уч йилда меъёрий кадастр баҳосидан кам миқдорда ҳосил олди. Сўнгги йили эса ерни бошқа фермер хўжалигига бериб юборди.

БЕКОР БЎЛГАН ШАРТНОМА

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддаси 4-бандида **"ердан бегиланмаган мақсадда ва оқилона фойдаланилмаганда, олинган ҳосилдорлик норматив кадастр баҳосидан муттасил (уч йил мобайнида) паст бўлганда"** фермер хўжалигини тугатиш учун асос бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ер кодексининг 36-моддаси 6-бандида **"ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда"** ҳам ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор бўлиши асослари белгиланган.

Фермер хўжалиги раиси Л.Эсоновнинг ҳамма томонидан туртилиши шунда кўриндики, вилоят прокуратураси Гулистон тумани ҳокимлигининг ерни ижарага бериш тўғрисидаги шартномасини бекор қилиш, фермер хўжалиги, Ер кодексининг 36-моддаси 7-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-қарори 7-иловасидаги **"Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 8-банди талабларини бузган, деб даъво киритган бир пайтда «Гулистон» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти фермер 837500 сўмлик бўнак пулини ҳам қайтармаган деб, ушбу пулни ундириб беришни сўраб даъво қилди. Бироқ пахта заводидан судга вакил келмади. Шу боис бўнак пулини қайтариб бериш масаласи судда кўрилмай қолдирилди.

Фермер Л.Эсоновнинг даъвони қисман тан олиб айтишича, 2003 йили 14,2 гектар ерни "Янги аср Иброҳими" фермер хўжалигига бериб юборган. Лекин бу йил тендерда иштирок этиб, янгидан ер ижара шартномаси тузган, бугун пахтаси барқ уриб, гуллаб-яшнаб ётибди, мажбуриятни тўлиқ бажариш имкони бор. У даъво талаблари рад этилишини сўради.

Бироқ суд "кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади" деган нақлга амал қилди. Кодекс, қонун ва низом талабларини қўпол равишда бузгани учун фермер билан туман ҳокимлиги ўртасидаги ер ижараси тўғрисида тузилган шартномани бекор қилишни лозим, деб топди. 1999 йилда ва 2004 йил 27 февралда тузилган шартномалар пучга чиқди. Давлат божи ва суд харажатлари ҳам "Шерали ота" фермер хўжалиги зиммасига юклатилди, суд қарори билан фермер хўжалиги тугатилди.

Аммо яна бир масала равшан бўлмай қолди. Ҳокимлик фақат режа топшириғи тузиб тарқатиш билан шуғулланмай, фермер хўжалиги нима иш қилаяпти, нега аҳволи бунча хароб, қандай муаммоси бор, деб қизиқиб кўрганида, аҳвол шунчаликка етиб бормасди, деб ўйлаймиз. Ахир, мақсад бировнинг йиқилишини кутиб туриб, сўнг уни туртиб юборишдан иборат эмас-ку?! Наҳотки, ҳокимлик мутасаддилари фермер хўжаликдаги аҳволни аввалдан ўрганиб, бошбошдоқликнинг олдини олиш имконини топишмаган бўлса?

Тоҳир ТОЖИБОЕВ,
ҳуқуқшунос

Saboq

КЕЧИККАН ТЎЛОВ

анча қимматга тушди

Ушбу хусусий корхона билан "Самарқанд дон" акциядорлик жамияти Бош корхонаси ўртасида ўтган йилнинг 5 сентябрида 54-сонли шартнома тузилган. Шартномага асосан "Арслон гор" акциядорлик жамиятига 8 миллион 500 минг сўмлик минг дона тахтадан ясалган кўтаргич тайёрлаб бериши, жамият маҳсулотни қабул қилиб олгач, ҳисоб-китобни жойига қўйиб орани очиқ қилиш керак эди. Хусусий кичик корхона шу йилнинг январ ва март ойларида 700 дона 5 миллион 950 минг сўмлик тахтадан ясалган кўтаргич тайёрлаб, акциядорлик жамияти Бош корхонасига етказиб берди.

"Самарқанд дон" акционерлик жамияти Бош корхонаси дастлаб 2 миллион 607 минг 531 сўмлик маҳсулот ҳақини тўлади. Бироқ шундан сўнг анча вақт ўтса-да, жамиятдагилар хусусий кичик корхона ҳақини тўлашни пайсалга солишган. Хусусий кичик корхона раҳбари Э.Ражабова ҳамкорларининг эшигига кўп қатнаб овора бўлган. Охири, натижа чиқмагандан сўнг Самарқанд вилоят адлия бошқармасига маҳсулот ҳақини ундиришда кўмак сўраб мурожаат қилади. Хусусий кичик корхона раҳбарининг арзини томонлар ўртасидаги шартнома ва бошқа мавжуд ҳужжатлар асосида ўрганган бошқарма ходимлари вилоят хўжалик судига "Арслон гор" хусусий корхонаси манфаатини кўзлаб даъво ариза киритишди.

Иш судда кўрилиш арафасида жамият мутасаддилари кичик корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига бир миллион сўм маблағ кўчиришади.

Энди 2 миллион 342 минг 468 сўм қарз тўланса ора очиқ эди. Ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисидаги ажрим 1284 сонли буюртма хат билан жавобгар манзилига юборилганди. Лекин жавобгар вакили судга келмади. Суд Хўжалик Процессуал кодексининг 130-моддасига асосан ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқди. "Самарқанд дон" акциядорлик жамияти Бош корхонаси ҳисобидан "Арслон гор" хусусий кичик корхонаси фойдасига 2 миллион 342 минг 468 сўм асосий қарз ва 882 минг 354 сўм устама ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шу тарика кечиккан тўлов акциядорлик жамиятига қимматга тушди. Бунга боқибеғамлик сабаб бўлди.

Собир КУЛИЕВ,
ҳуқуқшунос

Muloqot

"МЕРОСГА КИМ ҲАҚЛИ?.."

Сизларга хат ёзишимдан асосий мақсад бир масала юзасидан менга ёрдам беришингизни сўрайман.

Укам Юсуф Раҳмонов 1981 йилда уйланди. Оиласи билан давлат уйида ижара ҳақини тўлаб, яшай бошлади. Бир қиз кўришди. Орадан анча йил ўтгач, яъни қизи етти ёшга тўлганида укамнинг турмуши бузилди ва уларнинг мол-мулки тенг тақсимланди. Қизи онасида қолгани учун туман суди укамдан алимент ундириб берди. Шундан кейин орадан икки йил ўтгач, укам уйни давлатдан сотиб олди ва иккинчи марта уйланди. Йиллар ўтиб фарзанд кўрмагани учун бу хотинидан ҳам ажрашди. Сўнг ёлғиз қолган укам онам билан яшай бошлади. 2003 йил 20 декабрда қизи 18 ёшга тўлганида суд томонидан алимент тўхтатилди. Собиқ хотини укамдан ажрашгандан сўнг бошқа турмуш қурмаган, у қизи билан қўшни республикасида яшар ва у ерда уларнинг ўз уйлари бор эди. Шу йил 21 май куни укам тўсатдан вафот этди. Орадан икки ой ўтгач, укамнинг биринчи хотини ва қизи келиб, унинг уйига эгалик қилмоқчи бўлиб, судга берамиз деб жанжал қилишди. Мен шу масалада адвокатга учрашдим. Адвокат "агар укангиз тириклигида уйни бирортага васият қилмаган бўлса, уйга эгалик қилишга қизи тўлиқ ҳақли" деди. Афсуски, укам тириклигида уйни ҳеч кимга васият қилмаган эди. Агар адвокатнинг гапи тўғри бўлса, уй унинг қизига бериладими? Ахир, у бирор марта ҳам отасидан хабар олмаган-ку?! Ҳаётининг сўнгги йилларига қадар, яъни олти йил укам билан яшаган, унинг барча маросимларини ўз ҳисобилан ўтказган онамнинг бу уйни олишга ҳуқуқи борми? Онам ҳам уйга даъвогарлик қилиши мумкинми?

Турсунбой РАҲМОНОВ,
Наманган вилояти, Учқўрғон тумани,
«Мустақиллик» ширкат хўжалиги

Ушбу саволга ҳуқуқшунос Дилбаҳор ЁҚУБОВА қуйидагича жавоб беради:

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Фуқаро Т.Раҳмоновнинг вафотидан кейин унинг қизи билан бир қаторда онаси ҳам қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқига эгадир.

Агар Раҳмонов Юсуфбой вафот этгунга қадар унга тегишли бўлган мулкни ҳеч кимга васият қилмаган бўлса, ушбу моддага асосан мерос мулки қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўрларга тақсимланади.

Демак, Раҳмонов Юсуфбойнинг онаси ва қизи (у билан бирга яшамаган бўлса ҳам) биринчи навбатдаги меросхўрлар қаторида қонун бўйича мерос мулкидан тенг ҳисса олиш ҳуқуқига эга.

Taassuf

ЙЎЛДАН ЧАЛҒИШ



Яхши отга бир қамчи, деган жайдари мақолнинг замирида баъзида адашган кимсага бериладиган бор-йўғи бир марталик танбеҳ умрга етадиган сабоқ вазифасини ўтайди, қабилидаги маъно бор.

Ғузорлик Тошмурод Норбоев икки марта судланган бўлса-да, тавбасига таянмади. У тўрт йил бурун "Ҳақберди Ҳожи бобо" хусусий фирмасини ташкил қилиб, доридармон сотиш учун тегишли рухсатномани олиб иш бошлаганда, уни кўпчилик қўллаб-қувватлаганди. Бошида доришунос астойдил меҳнат қилиб, фирма ишини анча йўлга қўйиб олди. Бироқ бора-бора у нафсининг қулига айланди. Дўконига назорат касса машинасини қаққайтириб ўрнатиб қўйди-ю, унга қиё ҳам боқмай савдодан тушган нақд пулларни чўнтагига уриб, бир қисмини банкдаги ҳисоб рақамига топшириб юраверди. Унинг кейинги бир йиллик ҳисоб-китоби текшириб кўрилганда назорат касса машинасидан1.521.326 сўмлик маблағ яширилгани ошкор бўлиб қолди.

Бундан ташқари, дўконда бирон-бир ҳужжатсиз, сифат сертификати бўлмаган 77 турдаги 588.990 сўмлик дори-дармон маҳсулотлари сотишга тайёрлаб қўйилган экан. Дорихона сотувчиси Чори Бозоров ҳисобидан 127551 сўмлик камомад аниқланди. Сотувчи бу камомадни оғир касалларга дори-дармон қарзга берганман, дея изоҳламоқчи бўлди. Хуллас, тўғри йўл қолиб қинғир йўлни танлаган «тадбиркор»нинг миси чиқиб, такроран тегишли жазога тортилди.

Отабек БОБОДЎСТОВ,
ҳуқуқшунос
Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Dakki

ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

Сир эмаски, ҳаётда баъзи фермер хўжаликлари шартнома бўйича ҳамкорларининг ваъдаларига ишониб, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Тўғриси, туну-кун далада ишлашга ўрганган ҳақиқий деҳқон қоғоз папка кўтариб идорама-идора юришни ўзига эп кўрмайди. Қонуний ҳақ-ҳуқуқларини лозим даражада билмаслик ҳам бу борада тадбиркорга панд бериш мумкин.

Шу маънода адлия идораларининг жойларга чиқиб шартнома шартларини бажарилишини таҳлилий ўрганиши фермер ва тадбиркорларни мушкулини осон қилмоқда. Энг асосийси, бундай иш услуби кўплаб қонунбузилиш ҳолатларини олдини олишда кўл келмоқда.

Жорий йилнинг 20-22 июл кунлари Тошкент вилояти адлия ходимлари томонидан Бўстонлиқ туманида ўтказилган таҳлилий ўрганиш жараёнида ширкат ва фермер хўжаликлари билан тузилган контрактация шартномалари шартлари "Ғазалкент" очиқ турдаги акциядорлик жамияти томонидан бажарилмай келаётганлиги аниқланди. Жумладан, 2003 йил 10 сентябр куни "Ҳасан-Ҳусан" фермер хўжалиги билан "Ғазалкент" ОАЖ ўртасида тузилган 141/1-сонли шартноманинг 2.1-бандига асосан фермер хўжалиги сабзавот, полиз маҳсулотлари ва меваларни шартномага асосан сотиш, "тайёрловчи" ҳисобланган "Ғазалкент" ОАЖ эса шартноманинг 3.1-бандига асосан хўжалик томонидан етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва маҳсулот ҳақи билан бирга етказиб келишга сарфланган харажатни ҳам тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.



Шуни айтиш керакки, фермер хўжалиги шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажаради. Яъни ўтган хўжалик йилида, белгиланган муддатларда 114 569 сўмлик маҳсулот етказиб беради.

Лекин "Ғазалкент" ОАЖ шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармасдан, 2004 йил 22 июл кунига қадар, яъни текшиурв кунигача етказиб берилган маҳсулот учун 114569 сўмни фермер хўжалигига тўлаб бериш чора-тадбирларини кўрмасдан келган.

Албатта, фермер хўжалиги ўз қонуний ҳақларини оламан, деб кўп сарсон-саргардон бўлишган.

Акциядорлик жамияти раҳбарлари эса ҳар гал маблағ йўқ, деган важни рўкач қилиб, уларнинг қонуний талабини рад этишган.

Аслида топширилган маҳсулот учун ҳақ уч кун ичида тўланиши лозим эди. **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 32-моддаси, **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 69-моддасида маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламагани учун устама ундирилиши қайд этилган.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига "Ҳасан-Ҳусан" фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб, контрактация шартномасига асосан етказиб берилган маҳсулот пулини ва ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаганлиги учун устама ундириш тўғрисида 2004 йил 4 августда 06-1/2941-рақамли даъво аризаси киритди.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2004 йил 20 август куни бўлиб ўтган йиғилишида ушбу даъво тўлиқ қаноатлантирилди. Натижада "Ғазалкент" фирмаси ҳисобидан фермер хўжалиги фойдасига жами 171.853 сўм ундириладиган бўлди.

Шу куни вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан тумандаги бошқа ширкат ва фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, "Ғазалкент" фирмасига нисбатан даъво аризалари ҳам бир йўла судда кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди. «Сижжак», «Амир Темур», «Хумсон», «Жана аул», «Хондойлиқ», «Сойлиқ», «Хўжакент» ширкат хўжаликлари, «Сарвар», «Рустам», «Дамин ота», «Абдунаби», «Акмал», «Есен», «Алғабас», «Марайм», «Турғинбай», «Умид», «Айнақул», «Асканбай», «Береке», «Тинибек», «Қайрат+К», «Рауф», «Нурбой», «Акмадияр», «Назарбек», «Бек», «Мерей», «Ербол» фермер хўжаликлари фойдасига умумий ҳисобда 241511989 сўм пул ундириб бериладиган бўлди.

Ҳисобини билмаган икки марта тўлайди, деганларидек, "Ғазалкент" фирмаси раҳбарлари ўз масъулиятсизликлари туфайли маблағни тежаш ўрнига ортиқча сарф-харажатга тушишди.

Абдумалик АЛЛАМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос
Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qonun ko`magi

ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

Инсон ҳаётда меҳнат қилар экан, у албатта, меҳнатига яраша иш ҳақи олиши керак. Бу унинг энг асосийси ҳуқуқларидан бири. Баъзан шундай бўладики, ишчи-хизматчилар ўз бурчларини бажариб, меҳнатни қилаверади, аммо иш ҳақига келганда, кимнингдир айби билан ололмайди.

Андижон туманидаги Куйганёр темир-бетон буюмлари корхонаси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, "Бек электроникс" ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам ана шундай ҳолат юз берди.

Ушбу корхоналарда мутасадди идоралар томонидан текшириш ўтказилганда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 октябрдаги **"Иш ҳақларини ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори ижроси ўрганилганда ишчи хизматчиларга иш ҳақи ўз вақтида тўланмай тўпланиб қолаётганлиги аниқланди.

Мана, Куйганёр темир-бетон буюмлари корхонасида 26 нафар ишчи-хизматчига 6 миллион 37 минг 628 сўм, Тошматов номидаги ширкат хўжалигида 483 нафар далада ишловчилар ва бошқа ходимларга 13 миллион 452 минг 466 сўм, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида 26 нафар ишчи-хизматчи ходимларга 3 миллион 83 минг 32 сўм, "Бек электроникс" корхонасида эса 33 нафар ишчи-хизматчига 4 миллион 130 минг 840 сўм иш ҳақлари узоқ вақт берилмасдан келганлиги аниқланган.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида **"Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъия назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи штатларга мувофиқ ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаган муддатларда тўланиши шарт"** деб кўрсатилган.

Хўш, нега қонуннинг бу талаблари бузилган?

Ишлашни хоҳлаган имконият, хоҳламаган баҳона қидиради, деган гап бор. Лекин турли хил баҳоналар билан иш ҳақи тўланишини узоқ вақт пайсалга солиш бу албатта, қонунга зиддир. Мана "Бек электроникс" ишлаб чиқариш корхонасида хизматчилардан Ғолибжон Қосимовнинг 380208 сўм, Бахтиёр Қосимовнинг 476198 сўм, Баҳодир Ғофуровнинг 291760 сўм, Зулҳумор Ашурованинг 296229 сўм иш ҳақлари ойлар давомида тўпланиб қолган. Афсуски, ушбу корхона ва хўжалик раҳбарлари ойлаб иш ҳақи олмаётган ишчи-хизматчиларнинг тирикчилиги қандай ўтаётганлиги билан қизиқмади, улар ҳақида қайғурмади.

Ишчи-хизматчиларга қонун кўмакка келди. Киритилган даъво аризага кўра фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро суди ишн кўриб чиқиб, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари ундириб берилди.

Албатта, бугун бу муаммо ҳал этилди. Бироқ кишини ўйлантирадиган томони шундаки, қайси бир мансабдор шахснинг айби билан ишчи-хизматчиларга ойлик иш ҳақи ўз вақтида берилмади. Иш судгача бориб етди.

Айтмоқчимизки, бу масала ўз вақтида ҳал этилганда, ортиқча оворагарчилик ва асаббузарликка ҳожат қолмасди.

Аъзамжон ЮСУПОВ,
ҳуқуқшунос
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Faoliyat

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

СУД АМАЛИЁТИДА ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

Мамлакатимизда қонун ҳужжатларига риоя этилиши назорат қилиш, меҳнат қонунларининг амалиётда тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш одил судлов олдидаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Меҳнат қонунчилигининг бузилиши билан боғлиқ, хусусан ишга тиклаш билан боғлиқ низолар Меҳнат кодексининг 369-моддаси талабига кўра бевосита судлар томонидан ҳал этилади.

Меҳнат шартномасининг бекор қилиниши билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда фуқаролик ишлари бўйича судларида меҳнат қонунларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини амалга ошириш учун **"Судлар тўғрисида"**ги қонунга асосан суд умумлаштирувлари амалга оширилади.

Фуқаролик ишлари бўйича судлари амалдаги Меҳнат кодексининг талаби ҳамда Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **"Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"**ги кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда ишга тиклаш билан боғлиқ низоларни мазмунан тўғри ҳал қилмоқда. Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ишга тиклаш ҳақидаги низолар иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш натижасида келиб чиқмоқда.

Иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги низони тўғри ҳал қилиш учун суд иш берувчи шартномани бекор қилишнинг қонунийлиги шартлари ва тартибига риоя қилган-қилмагани, шартнома бекор қилиниши ҳақида ходим тегишли тартибда огоҳлантирилган огоҳлантирилмагани, шартнома ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ёки меҳнат таътили даврида бекор қилинган-қилинмагани, ходим қонунда белгиланган қўшимча кафолатларга эгаэга эмаслиги, жамоа келишуви, жамоа шартномаси ёки корхонанинг бошқа локал ҳужжатларига биноан касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа вакиллик идорасининг розилиги олинган-олинмаганини аниқлаши шарт.

Мисол учун айтадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судида даъвогарлар Холиқов Баҳодир ва Шаҳзодаева Фикриянинг жавобгар — Жиззах вилоят давлат санитария эпидемиология марказига нисбатан ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш ҳақидаги фуқаролик иши кўриб чиқилиб, даъво қаноатлантирилган.

Судда аниқланишича, иш берувчи ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 2-бандига кўра, бекор қилган. Бошқача айтганда, ҳар иккала ходим малакаси етарли бўлмагани сабабли ишдан бўшатилган.

Бироқ иш берувчи Меҳнат кодексининг 111-моддаси талабларига риоя қилмай, жамоа шартномаси ва ички меҳнат тартиби қоидаларида касаба уюшмаси, қўмитасининг розилигини олмай меҳнат қонунчилиги талабини жиддий равишда бузган.

Бундан ташқари иш берувчи Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган **"Мансабдор шахсларнинг касбий билимларга мувофиқлигини аттестациядан ўтказиш ҳақида"**ги Низом талабларига ҳам риоя қилмаган. Аниқроқ айтганда, даъвогарларни аттестация ўтказиш ҳаикда белгиланган муддатда огоҳлантирмаган, аттсетация ўтказиш усулини маълум қилмаган, ходимларни аттестациядан ўтказиш баённомаси ҳайъат аъзолари томонидан имзоланмаган.

Жиззах вилояти ДСЭНМ раҳбари томонидан меҳнат қонунчилиги жиддий равишда бузилгани учун Б. Холиқов ва Ф.Шаҳзодаева ўз лавозимларига ишга тикланди.

Шунингдек, суд қонунчиликнинг бузилганлиги ҳолати бўйича корхонанинг касаба уюшмаси қўмитаси устидан вилоят касаба уюшмалари кенгашига, вилоят ДСЭНМда ва аттестация комиссияси томонидан йўл қўйилган қонунбузарликлар ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг департаментига хусусий ажримлар чиқарилган ва ушбу ажримлар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган ҳақида жавоблар олинган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, судларда ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳолатлари бўйича низолар ҳам кўриб чиқилмоқда.

Олий Суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги қарорининг 15-бандида судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида бергани тўғрисидаги важларини синчковлик билан тешкиришлари лозим, дейилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2003 йил 17 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар — Иномова Шоиранинг жавобгар — Жиззах шаҳар ҳокимлигига нисбатан ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш ҳақидаги фуқраолик иши кўриб чиқилиб, даъво қаноатлантирилган.

Ш. Иномова ўз аризасида шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси лаовзимидан бўшаш ҳақида шаҳар ҳокимининг қистови билан ариза ёзганини кўрсатган.

Судда Ш.Иномованинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризани хизмат автомашинаси ҳайдовчисига берганлиги, ҳайдовчи эса уни шаҳар ҳокими ўринбосари О. Абдуназаровга топширгани аниқланди. О. Абдуназаров эса Ш. Иномова аризани унга топширган куни телефон қилиб, ишдан бўшатилишига норози эканини айтганини билдирган.

Шунингдек, иш берувчи Ш.Иномова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодексининг 99-моддаси талабларини бузиб, икки ҳафталик огоҳлантириш муддати тугамасада, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида қарор чиқариб, қонун талабларини бузган.

Шунинг учун шаҳар ҳокимининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарори қайриқонуний деб топилиб, Ш.Иномова ўз лаовзимига ишга тикланган ва мажбурий бекор юрган вақтлари учун иш ҳақи ундириб берилган.

Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво талаблари аксарият ҳолларда қаноатлантирилмоқда. Бу ҳолат аксарият корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслари меҳнат қонунчилигини яхши ўзлаштирмагани, корхоналар малкали ҳуқуқшунос кадрлар билан таъминланмаганини кўрсатади.

Кези келганда яна шуни таъкидлаш жоизки, ишга тиклаш ҳаиқдаги низоларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Фуқаролик Процессуал кодексининг 259-моддасига биноан ишга тиклаш ҳақидаги ишлар кўришда иш берувчининг вакилидан ташқари, ишдан бўшатиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс, яъни корхона раҳбари ҳам ишга учинчи шахс сифатидан жалб қилиниши шарт.

Бунинг ўзига хос аҳамиятли жиҳати шундаки, меҳнат шартномасини ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги буйруқ ёки қарор бекор қилингач, ходимга ноиложликдан бекор юрган вақт учун иш ҳақини корхона ҳисобидан ундириш ҳақидаги масала қўйилади.

Меҳнат кодексининг 274-моддасига кўра, ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказишда меҳнат қонунчилиги очиқдан-очиқ бузилганида учинчи шахс сифатида жалб қилинган мансабдор шахсга уч ойлик иш ҳақидан ошмаган миқдорда моддий жавобгарлик юклаш назарда тутилган.

Мансабдор шахсларга моддий жавобгарлик юклатилиши эса меҳнат қонунчилиги бўйича низоларни кўришда аниқлашда қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнат кодексининг 273-моддасига мувофиқ ишга тиклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорларини дарҳол ижрога қаратишнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бузилган ҳуқуқлари ўз вақтида тикланишини таъминлаш билан бирга унинг ноиложликдан бекор юргани, ишламагани оқибатида оиласида юзага келган моддий шароитни яхшилаш билан ҳам боғлиқдир.

Ишга тиклаш ҳақидаги низоларни меҳнат шартномаис бекор қилинган ходимнинг иш жойида, сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш яхши натижалар бермоқда. Чунки бунда меҳнат жамоасидаги ходимлар меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ ҳолатлар билан яқиндан танишиб, меҳнат қонунчилиги бўйича аниқроқ маълумотларга эга бўлишади.

Э.УМУРЗОҚОВ,
ҳуқуқшунос

Saylov qonunchiligi

САЙЛОВ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда)

САВОЛ: Округ сайлов комиссиялари қачон тузилади?

ЖАВОБ: *Округ сайлов комиссиялари тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганда комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва олти-саккиз нафар бошқа аъзолардан иборат таркибда тузилади.*

САВОЛ: Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари нечта номзод кўрсатиш ваколатига эга?

ЖАВОБ: *Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлигига биттадан номзод кўрсатишлари мумкин.*

САВОЛ: Маҳаллий кенгашларга номзодлар кўрсатишнинг яна қандай талаблари мавжуд?

ЖАВОБ: *Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида яшовчи ёки ишловчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилади;*

Бир шахс тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин.

САВОЛ: Сиёсий партиялар партиясизларни ҳам номзодликка кўрсатиши мумкинми?

ЖАВОБ: *Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидирлар.*

САВОЛ: Сиёсий партиялар тегишли органининг вакили сайлов комиссиясига депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб мурожаат этиши тартиби қандай?

ЖАВОБ: *Сиёсий партия тегишли органининг депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага сиёсий партия тегишли органининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ҳамда сиёсий партия тегишли органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими, иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек, сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади.*

САВОЛ: Сайловларда иштирок этувчилар учун тенг имкониятлар берилиши қандай таъминланади?

ЖАВОБ: *Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.*

Сайловчиларнинг йиғилишлари, участка сайлов комиссияси томонидан, барча номзодлар учун бир хил, мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил этилади.

Рукн учун масъул юридик фанлари номзоди Шуҳрат РАСУЛОВ

Тоғларга туташ кенгликлар

2004 yil — Mehr va muruvvat yili

МЕРОС ТУЙҒУ

Меҳр ва мурувват аждодларимиздан ўтиб келаётган мерос туйғу сифатида фарзандларимизни қалб қўри билан тарбиялаб вояга етказишда, уларнинг инсофли, ҳалол, гўзал ахлоқий фзаилатларга эга бўлишида етакчи омилдир.

Олийжаноб фазилатларни ўзига сингдирган ёш авлод вояга етиб, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳаётдан ўз ўрнини топади, шахс сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2004 йил "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилингани халқимизнинг юрагидаги айни муддаоси бўлди.

"Меҳр" ва "мурувват" сўзлари ҳар бири юртдошимизнинг онги ва дунёқарашида теран жой олган. Бироқ бу тушунчаларнинг инсон фаолиятидаги акси турлича бўлиши мумкин. Хўш, меҳр деганда биз нимани тушунамиз? Меҳр киши қалбидан чуқур жой олган қамровли, унинг ижтимоий ва шахсий ҳаётда ўзини ҳар томонлама намоён қиладиган онгли инсоний туйғудир. Бу ҳиссиёт инсоннинг амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади.

Меҳр туйғусини шакллантириш дастлаб оиладан бошланади. Гўдак дунёга келган вақтданоқ ўзига ота-онанинг меҳрини сингдиради. Болалик ва ўсмирлик чоғларида ички ва ташқи омиллар таъсирида бу туйғу такомиллашади. Дарҳақиқат, соғлом авлодни тарбиялаш, унинг жамиятда етук шахс сифатида шаклланиши маънавият, аёл зотига эҳтиром, оиланинг мустаҳкамлигига кўп жиҳатидан боғлиқ. Шунинг учун ҳам барча даврларида инсон, аёл, никоҳ, оила давлат ва сиёсатнинг асосий муаммоларидан бўлиб келган.

Тенг ҳуқуқли мустаҳкам оила қуриш ва уни муҳофаза қилишда давлатимиз комил ёшларни тарбиялашга жиддий эътибор қаратаётир. Бу жараёнда албатта, кўп нарса оилага, ота-онага боғлиқ. Фарзандга, айниқса, онанинг меҳри, таъсири зарур бўлади. Чунки она тунларни бедор ўтказиб, боланинг улғайиши учун кўп заҳмат чекади. Онанинг билими, маънавияти ва дунёқараши бола онгини, хулқ-атворини шакллантиради. Болага инсонпарварлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳи, меҳр ва мурувватли, саҳоватли бўлиш ҳиссиётлари кўпроқ она тарафидан сингдирилади.

Модомики, ёш авлодда меҳр ва мурувватли бўлишдек олижаноб туйғу оиладан бошлаб синдирилар экан, кейинчалик бу дунёқараш ўқув масканларида, меҳнат жамоаларида тўлароқ шакланиб кичкинтойларда бундай туйғу илк бор ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, уйи, туғилган жойи, тенгдошлари ва маҳалладошларига нисбатан уйғонса, пировардида Ватанга, халқига, қадриятларига бўлган меҳр билан уйғунлашади.

Хўш, қалб нури билан йўғрилган меҳр ва саҳоват туйғусининг ўз кучини йўқотишига нималар сабаб бўлади? Бундай туйғунинг шаклланишининг дастлаб оилада бошланганидек, унинг сўнишининг ҳам асосий сабабларидан бири оиладир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jinoyatga jazo muqarrar

ЮРАК ТУБИДАГИ ЎКИНЧ

СУД ОЧЕРКИ

I. БАХТ ОРТИДАГИ БАХТСИЗЛИК

Баҳорда ям-яшил либосга бурканган дарахт япроқлари кузга бориб сарғаяди. Қиш ўтиб баҳор келса, дарахтлар яна куртак ёзади, унинг ўрнини яшил япроқлар эгаллайди.

Дўстмурод билан Санобарнинг дастлабки тўрт йиллик ҳаёти баҳорга қиёслагудек эди. Ширин дамлар, турмушнинг қувонч ва ташвишларини бирга баҳам кўриш ҳар иккисига ҳам лаззат бағишларди. Тўйдан сўнг бир йил ўтиб дунёга келган қизча бу бахтни яна тўлдирди.

Баҳорга қиёслагудек ўтган тўрт йил энди Дўстмуродга ҳам, Санобарга ҳам гўёки тушга ўхшайди. Бахт ортидан келган бахтсизлик уларнинг ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Бунга пешонага битилган тақдир битиги эмас, кўпроқ Санобар айбдор. Шу сабаб у суднинг қора курсисида яқинларининг кўзига тик қаролмай боши эгик ўтирибди.

Ҳаммаси Санобарнинг "Жайрон" хусусий чойхонасига ишга кирганидан сўнг бошланди. Унинг юриш-туриши, табиати, эрига муомаласи аста-секин ўзгара борди. Дастлаб ишга кирган пайтлари уйга анча кеч қайтадиган одат чиқарди. Ёлғиз қизи ёнида хотинининг келишини кутиб ўтирган эрнинг сўровига жавоб бермай қовоқ-димоқ қиладиган бўлди. Абубакир деганлари Санобарни кузатиб келганда Дўстмуродга уни "чойхонанинг доимий хўрандаларидан" деб таништирди. Кейинчалик ана шу "доимий хўранда" Санобарнинг соясига айланди.

Дўстмуродниг юрагидан ғашлик нари кетмай қўйди, кўнглига шубҳа ўрмаладди. Хотинига бу ҳақда ётиғи билан оғиз очганда, Санобар баттар жазавага тушди. Асоссиз рашк қилаётганликда айблаб, Дўстмуродниг юз-кўзини очирмай қўйди.

Бироқ шубҳа асосли эди. Аёл кишининг бегона эркак билан қалинлашиб кетиши камдан-кам ҳолда тўғриликка йўйиб келинган. Абубакир билан Санобарнинг муносабати анчайин жиддийлашгани одамлар ўртасида ҳам шивиршивирга сабаб бўла бошлаганди.

Дўстмурод хотини билан ажралишни ўйларди-ю, кўнглига келган бу фикрдан чўчиб тушарди. Чунки яккаягона қизининг келажагини ўйлаб ташвишланарди. Санобарнинг хиёнатидан ҳам фарзандининг тақдирини устун биларди. Хиёнатга чидаб сабр қилиб турганда беандиша Санобар билан Абубакир унинг эркаклик ғурурини шунчалик топташдики, тош ёрилиб кетгудек бўлди.

Дўстмурод аввалроқ бир неча бор хотинини инсофга чақирган, турмушлари бузилиб кетмаслик, қизчаси тирик етим бўлмаслигини айтганди.

Кейинчалик эса рўй бераётган бу воқеаларга чидаб туролмади. Маҳалла қўмитасига, ҳудуд нозирига, Абубакирнинг қариндошларига мурожаат қилди. Нозир зарурий чоралар кўрди. Маҳалла қўмитасига Санобарни чақиришиб оқсоқоллар, фаол аёллар суҳбатлашишди, тартибга чақиришди. Афсуски, у инсофга кириш ўрнига эри ўзига бераётган бу имкониятни ҳам оёқости қилиб, хиёнат кўчасидан бери келмади.

Шунча воқеалардан сўнг Дўстмурод қўшни уйлардан бирига ижарага чиқиб, ўзи алоҳида яшаётганди. У ҳамон Санобарнинг инсофга келиб қолишидан умидвор эди. Бу орада Абубакирнинг туғишганлари насиҳатлар қилишди, дашном беришди. Аммо бундан ҳам бирор-бир натижа бўлмади. Шармандали ҳаёт йўли икки гумроҳнинг кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиб қўйганди...

II. ТУЗОҚ

Аслини олганда, Абубакир Расуловнинг уйида гулдек хотини, беш нафар фарзанди бор. У Санобар ишлаётган чойхонага бир-икки бориб, бу жувонга ўралашиб қолган. Гап орасида ундан турмуш ўртоғи бор-йўқлигини сўраган. Жавобни эшитгач, эри бўлатуриб нега ишлаётганини сўраган. Шунда Санобар эри бўлгани билан пул бермаслигидан нолиган. Абубакир эса ўзганинг хасми-ҳалолини йўлдан уриш учун унга тузоқ қўйишни режалаштирган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

АҚШ: АДВОКАТУРА ТИЗИМИ

Америка Қўшма Штатларида "адвокатура" умумлаштирилган тушунча бўлиб, бирор-бир тузилмани англатмайди. Бу — юридик (адвокатлик) фирмаларда ёки мустақил равишда хусусий амалиётни олиб борувчи юристлар тўғрисидаги умумий тушунчадир. Юридик амалиётга йўл қўйилган ва тегишли лицензияга эга бўлган барча юристлар, хусусан, суд жараёнида бир хил мақом ва мажбуриятларга эга. Юрист бинони ижарага олиб ёки шахсий уйида хона ажратган ҳолда якка тартибда фаолият олиб бориши, шерик ёки бир неча шериклар билан юридик фирма ташкил этиши ёхуд мавжуд юридик фирмага ишга кириш мумкин.

Юридик амалиётни олиб бориш усули юристнинг ўзига боғлиқ. Америкалик адвокатларнинг тахминан ярми якка тартибда фаолият олиб боради. Катта юридик фирмаларда иш олиб бораётган юристларнинг сони барча хусусий юридик фаолият олиб бориш лицензиясига эга бўлганларнинг учдан бир қисмидан ошмайди. Йирик юридик фирмаларда (50 нафар ва ундан ортиқ юристларни жамлаган) икки тоифадаги хизматчилар бор: ходимлар ва шериклар. Фирмада эндигина фаолиятини бошлаётган юристлар маош олади ва ходим (associate) деб аталади. Фирмада, тахминан, етти йил фаолият кўрсатгандан сўнг (тартиб-интизоми, ҳаракатчанлиги ва уқувига боғлиқ ҳолда) ходим шерик (partner) бўлиши мумкин. Шерик ходимдан, аввало, барча зарурий туловлар ва солиқлар тўланганидан сўнг фирмада қоладиган даромадларини тақсимлашда иштирок этиши билан фарқ қилади. Бу фоиз ходим маошидан ҳар доим кўп бўладики, шу боис фирмада касб малакасини ошириш учун ҳақиқий интилиш мавжуд.

Прокуратурада юристлар ойлик иш ҳақи эвазига ишлашади. Айрим штатларда прокуратура ходимларининг хусусий амалиётни олиб боришига ҳам йўл қўйилади. Бироқ бу рағбатлантирилмайди. Аксарият штатларда эса бундай касбларни қўшиб бажариш таъқиқланган. Чунки давлат хизмати ва хусусий амалиёт манфаатлари ўртасида зиддиятлар келиб чиқиши мумкин.

Америка юристлар ассоциацияси (тахминан 350 минг нафар аъзоси бор) адвокатларнинг энг йирик ва ўз таъсирини ўтказа оладиган ташкилоти ҳисобланади. АЮА аъзоларининг асосий қисмини адвокатлар ташкил этади.



Улардан ташқари, давлат идораларининг юристлари, ҳуқуқшунос олимлар, юридик олий ўқув юрти талабалари ҳам якка тартибда унга аъзо бўлиши мумкин. Ассоциация фаолиятида 35 га яқин юристларнинг ихтисослашган касбий ташкилотлари (масалан, судьялар жамияти, бош атторнейлар Миллий уюшмаси, адвокат-аёллар Миллий уюшмаси) иштирок этади. Бу фаолият касбга оид этика масалаларидан тортиб муҳим аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишгача бўлган доирани қамраб олади. Ассоциация ҳуқуқнинг турли соҳаларида йирик қонунчилик ташаббуслари билан чиқади; унинг тавсиялари қонунчиликнинг такомиллашишига, адвокатлик амалиёти ва одил судловни амалга ошириш тамойилларининг бир хил мезонларини ишлаб чиқилишига кўмаклашади. Федерал судьяларни, жумладан, АҚШ Олий суди аъзоларини, федерал айбловчиларни тайинлаш ва тасдиқлашда АҚШ Президенти ва Сенат қарорларида ана шу ассоциация хулосаларига таянилади.

К. ЭШНИЁЗОВ,
ҳуқуқшунос

Giyohvandlik — asr vabosi

ҚИНҒИР ЙЎЛ

Равшан Урганч улгуржи бозорида эски ошнаси Башим ва унинг дўсти Фарҳодни учратиб қолди. Улар Равшанга 3,5 килограмм "героин" гиёҳвандлик моддасини 52 минг АҚШ долларига сотиб беришни сўрашди. Ўз навбатида Равшан бу таклифни "дўсти" ва ҳамтовоқ қўшниси Оллаберганга оқизмай-томизмай айтиш учун Шовот томон елдай учди. Оллаберган эса бу "хушхабар"ни шу заҳотиёқ урганчлик қамоқдош "биродари" Илҳомга етказди.

Орадан кўп вақт ўтмай Илҳом харидор топганини маълум қилди. Бир куни кечқурун урганчлик "меҳмонлар" Оллаберганнинг уйига келишди.

— Ҳамроҳларим "россиялик", пуллар манави сумкада, — деди Илҳом ёнида ўзи билан келган 2 нафар йигитга ишора қилиб. — "Мол"ни беринг-у, пулни санайверинг. Лекин битта кичкинагина шарт бор. "Меҳмон"лар йўлга ошиқиб туришибди. Бизни қўшни давлат чегарасигача кузатиб борасиз.

— Маъқул. Бироқ "мол"нинг эгаси Фарҳод. Ҳозир у сизларни Равшаннинг уйида кутиб ўтирибди. Менимча, у ҳам таклифларингга рози бўлади.

Чиндан ҳам, сотувчилар ҳаяллашмади. Жами 17 та халтачага солинган 3,5 кило "героин"ни қўлига ушлаган Равшан ва тарози кўтариб олган Фарҳод кўча-кўйда одам сийраклашган маҳал Оллаберганнинг ҳовлисига кириб келишди.

"Россиялик харидорлар" (аслида урганчлик Илҳом Абдуллаев, Темур Матчонов, Рустам Султонов) сотувчиларнинг ҳалоллигини тан олишиб, "мол"ни тарозида тортиб кўришни рад этишди.

Келишилганидек, "меҳмонлар"ни уларнинг машинасида Оллаберган, яна бир машинада эса Равшан ва Фарҳодлар қўшни давлат сарҳадигача кузатиб борадиган, сотилган молнинг пулини ҳам ўша жойда санаб оладиган бўлишди. Сотувчи ва "харидор"лар минган 2 та машина тун ярмидан оққанда чегара томон йўл олди.

Ҳар эҳтимолга қарши машиналар оралиқ масофани сақлаган ҳолда ҳаракатланишига келишишди. Шу боис Равшан ва Фарҳод шерикларидан олдинроқ жўнаб кетишди. Улар белгиланган манзилга етиб боришиб, анча кутишса-да, шерикларидан дарак бўлмади. Шундан сўнг улар ортга қайтишиб, Оллаберганнинг уйига телефон қилишди. Маълум бўлишича, Оллаберган ҳам, "меҳмонлар" ҳам қишлоқ чеккасида қўлга тушишган. Бу хабарни эшитиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кўзига жони ширин кўриниб, номаълум тарафга қочиб қолди.

Унинг шериклари Шовот туманидаги О.Хидиров номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Равшан Рўзиматов ва Оллаберган Отажонов ўша куниёқ қўлга тушишди.

Яқинда уларнинг қилмиши судда кўриб чиқилди. Суд мажлисида маълум бўлдики, муқаддам бошга тушган аччиқ қисмат уларга сабоқ бўлмаган. Гап шундаки, Равшан ва Оллаберган бир-бирига яқин қўшни ва дўст. Қўшничилик-ку ўз йўли билан, аммо орадаги яқинликка ҳар иккининг қалбини чирмовиқдай ўраб олган жиноятга мойиллик ҳис-туйғулари сабаб бўлган. Бошқача айтганда, улар қоронғуда топишиб, "дўст" тутинишган. Шу боис ҳар иккининг ҳаётида рўй берган воқеалару тақдир сўқмоқлари деярли бир хил. 2000 йили иккволон бирлашиб, жиноят кўчасига киришди. Икки ҳамтовоқ қўшни республикадан гиёҳвандлик воситасини олиб келишмоқчи бўлганда қўлга тушишди ва суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бағрикенглик ва кечиримлилик туфайли улар тез вақтда оиласи бағрига қайтишди. Афсуски,Равшан ва Оллаберган бундан тўғри хулоса чиқаришмади, Аксинча, қамалишни оддий тасодиф, англашилмовчилик оқибати деб билишди. Қилмиш қидирмишга етаклагани хусусида ҳатто ўйлаб ҳам кўришмади. Натижада яна жиноятга қўл уришди. Ва суд ҳукми билан қонуний жазо олишди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: улар бу кўйга тушмасликлари мумкинмиди? Ҳа, агар улар ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол яшашганида бундай кўргиликлар ҳеч качон бошларига тушмаган бўларди. Зеро, ҳалоллик умр зийнатидир.

Худойберган СОТИМОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

2004 yil – Mehr va muruvvat yili

МЕРОС ТУЙҒУ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Оиладаги бола тарбиясида йўл қўйилган хатолар, жумладан, тарбия мезонининг бузилиши, изчилликнинг йўқлиги, вояга етган ва етмаган ёшларга нисбатан нотўғри талабларнинг қўйилиши, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, маиший бузуқлик ва бошқалар ёшлар тарбиясини издан чиқаради.

Мамлакатимизда айниқса, ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда улкан маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Диний-ахлоқий қадриятларнинг миллий урф-одатларга уйғунлиги ва асрлар давомида кишиларнинг маънавий тарбиясига ўз таъсирини кўрсатиб келган. Бой маънавий меросимизда инсониятга яхши фазилатларни синдириш учун ёмон хулқларга қарши курашиш кўзда тутилган. Масалан, "Авесто" таълимотларида яхши фазилатга эришишнинг ўнлаб тури айтиб ўтилган: бир ўринда **"қаноатли, хайрихоҳ, меҳрибон, кечиримли, раҳм-шафқатли, мурувватли, инсофли, ширинсўз, хушмуомала, очиқ чеҳра, ҳақиқатпараст, ростгўй"** бўл, дейилган бўлса, бошқа жойда **"одамларга ёрдам бериш, ота-она ва устозларга итоат қилиш, халққа хизмат қилиш"** каби жуда ўринли пандлар келтирилган.

Халқимиздаги бундай гўзал фазилатлар маънавий мерос сифатида авлод ва аждодларимиздан ўтиб, ахлоқий меъёрга айланган ички туйғулар мажмуидир.

Президентимиз Ислом Каримов жорий йилни **"Меҳр ва мурувват йили"** деб атаганларида, бу улуғ тушунчанинг теран маъноси борлигини, унинг ҳар бир инсон ва оила турмуш тарзи билан боғланганлигини, урф-одат ва анъаналаримизга уйғунлигини назарда тутганлар. Бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш ҳар қайси хонадон, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқда маънавий-руҳий муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда йил бошиданоқ бу борада қатор арзигулик тадбирлар белгиланган эди. Вазирлар Маҳкамасининг **"Меҳр ва мурувват йили"** дастурида белгиланган ишларни амалга ошириш учун 2004 йил давлат бюджетидан 250 миллиард сўм ажратилди, жами харажатлар 354 миллиард сўмни ташкил этади. 616,5 минг нафар 1-синф ўқувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларнинг 2-9 синф ўқувчи фарзандларига бепул дарсликлар бериш, соғломлаштириш оромгоҳларида 170 минг нафар боланинг бепул дам олишини таъминлаш, санаторийлар ва шифохоналарда 32 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари саломатлигини тиклаш ва бошқа кўпгина тадбирлар ана шундай хайрли ишлар жумласидандир.

Фуқароларда меҳр ва мурувватлиликни мустаҳкамлаш масаласи ижтимоий тараққиётимизнинг жуда кўп йўналишларига боғлиқ ҳолда кечаётир. Зеро, бу туйғу янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги мақсад ва интилишларимизни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилларидан биридир.

Юсуф ЁҚУБОВ

Taqdir tarixi

Мафтункорлиги, жозибадорлиги, жасорати билан тарихда ном қолдирган аёллар кўпчиликни ташкил этади. Шулардан бири АҚШ президенти бўлган Жон Кеннединнинг рафиқаси Жаклин хонимдир.

ДУНЁНИ МАФТУН ЭТГАН АЁЛ

XX-асрнинг энг машҳур ва гўзал аёли дея эътироф этиладиган Жаклин Бувье Кеннединнинг ота-боболари асли франциялик бўлиб, у 1929 йилнинг 28 июлида дунёга келади. Жаклинлар оиласи Рокфеллер, Дюпон каби оқсуяклар авлодига мансуб бўлиб, пулга умуман муҳтожлик сезмасди. Отаси Жон Вернан Бувьенинг юз тузилиши қорачадан келгани боис дўстлари уни "қора мағиз" деб чақиришарди. Нозик дид соҳибаси Жанет Бувье хоним эса ўзига жудаям оро берадиган аёллардан эди. Шунинг учун ҳам у эрининг инжиқликларига чидай олмай, саккиз ёшли Жаклин ва синглиси Лини олиб, уйни ташлаб чиқиб кетади. Гарчи Жанет хоним кейинчалик Хью Очин Клосса исмли кишига турмушга чиқса-да, у билан ҳам ҳаёти бир маромга тушиб кетмайди. Аммо ҳар қалай кундалик ур-тўполон ва жанжаллардан бироз фориғ бўлгандек эди. Жаклин дастлаб хусусий мактабда, сўнгра Нью Йоркдаги "Вассар" номли диний коллежда таълим олади. У тарих ва адабиёт, айниқса, Шекспир асарларини севиб мутоола қилар эди. Анча шўх ва бадавлат қиз бўлишига қарамасдан Жекки (яқинлари уни шундай чақиришарди) ёшлигидан ўзини меҳроқибатли, иродали бўлишга ўргатади.

Жаклин дастлаб нью-йорклик брокер Жон Хастедомни ёқтириб қолади. Фотиҳа тўйи бўлиб, никоҳ маросимига саноқли кунлар қолганда Жекки турмушга чиқмайман деб қатъий фикрда туриб олади. Чунки бу пайтга келиб гўзал Жаклин хоним ҳаётига бошқа бир одам — сиёсатчи Жон Фитсжералд Кеннеди кириб келган эди. Ўшанда аксарият одамлар Жеккининг нияти бой табақали оилага келин бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, деган фикрга ҳам боришади. Гарчи Жаклин камбағалликдан жудаям қўрқса-да, Жон билан уни бойлик эмас, балки ҳақиқий муҳаббат бирлаштириб турарди. Бундан ташқари, Кеннеди бўлажак қайнотаси билан ҳам олдиндан таниш бўлиб, уни қаттиқ ҳурмат қиларди. Вернан Бувье республикачи, Жон Кеннеди эса демократ бўлишига қарамасдан уларнинг феъл-атвори, ўзини тутиши бир-бирига ўхшаб кетарди. Жаклин "ҳар иккловларининг ҳам спортга, сиёсатга меҳри баланд эди" дея эътироф этган эди.

Жон Кеннединнинг салобати, шажараси, ҳақиқий инсонга хос фазилатлари, қолаверса, кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётган мавқеи Жаклин хонимни эътиборсиз қолдирмасди, албатта. Назарида, унинг бошига бахт қуши қўнгандек эди. Шунинг учун ҳам у Жон билан тез-тез учрашишга ҳаракат қилар, уни кўярда-кўймай кинога, ресторанларга олиб борарди. Ўз навбатида Жон ҳам қайлиғини жуда яхши кўрарди. Аммо уларнинг феъл-атвори баъзан панд бериб қўярди. Масалан, Жаклин хоним ҳаётни театр, кино, мода ва операсиз тасаввур қила олмас, Жон эса давлат ишларисиз, сиёсатсиз яшай олмасди. Хуллас, 1953 йилнинг 12 сентябрида улар янги ҳаёт бошлашади.

Эр-хотин Кеннедилар асал ойини Мексикадаги машҳур "Акапулко" дам олиш масканида ўтказишади. Саёҳат тугагач, Кеннеди сайловолди кампаниясига тайёргарликни бошлаб юборади. Алоҳида рўзғор тутиш, мустақил ҳаётга кўникиш Жаклин учун анча қийин кечади. Баъзан эрининг ишдан кеч қайтиши, гоҳида дўстлари билан келиши Жаклинга ончалик ҳам ёқмаса-да, хотинлик бурчини адо этиши керак эди. Музлаткич ҳам доимо муздек пиво, балиқ ва турли хил мазали овқатлар билан кутилмаган меҳмонлар учун лиқ тўла турарди. Жон Кеннеди сайловчилар билан учрашувга кетган пайтларда Жаклин хоним уйда ёлғизликдан зерикар, сиқилар, гоҳида йиғларди ҳам. Чунки у уйда қамалиб ўтиришга эмас, балки кўпроқ маданий хордиқ чиқаришга одатланган эди. Бироқ уйдаги гап-сўзлар ҳеч қачон ташқарига чиқмас эди. Сенаторлик учун бўлган сайловда мағлубиятга учраган Кеннеди бироз дам олиш мақсадида Францияга сафар қилишга қарор қилади. Бироқ хотини эса ўжарлик билан Нью-Портга борамиз деб туриб олади. Қанча уринмасин, эрини кўндира олмайди ва Жон Парижга, Жекки эса Хаммер-Смитга ота-онасининг ёнига йўл олади. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Жаклин тўсатдан касалхонага тушиб қолади. Жарроҳлик йўли ёрдамида ҳомиласини олишади. Афсуски, қизчанинг ҳаётини сақлаб қолишолмайди. Ҳеч нимадан хабари йўқ Кеннеди дўстлари билан дам олишда эди. Икки кун деганда синглиси Юнис Кеннеди Жон билан зўрға боғланиб, уни нохушликдан хабардор қилади. Вазиятдан фойдаланган Кеннединнинг айрим рақиблари унинг номига доғ тушириш мақсадида **"Хотини боласидан жудо бўлган бир пайтда жаноб Кеннеди айш-ишрат қилиб юрибди"** дея газеталарда шов-шув тарқатишади.

Фақат Жон Кеннеди президентликка сайланиши арафасида бир-биридан ширин Кэролайн ва кичик Жон дунёга келади. Бу Кеннеди учун катта совға эди.

Бироқ Жаклин хоним анчадан буён руҳий жиҳатдан жуда толиққан эди. Тез-тез асаби бузилар, гоҳида арзимаган сабаб туфайли ҳам оилада жанжал келиб чиқарди. Шундай бўлса-да, барибир аёл киши эркак кишига нисбатан пастроқ туриши керак, деган ақидага амал қилиб, ўзини тутарди. Энг ёмони, мамлакатнинг биринчи хоними ўта рашкчи аёл эди. Агар бирор жойга меҳмондорчиликка айтилса, одатда Жоннинг ёлғиз ўзи кетарди. Чунки эри билан бегона аёлларнинг гаплашиб ўтирганини кўрса, Жекки ўзини якка сезар, нафсониятига теккандек ҳис этарди. Айниқса, Мэрилин Монрони кўрарга кўзи, отишга ўқи йўқ эди. Эрининг хиёнаткорона қилиқларини кўриб-билиб турса-да, ўзини босиқ тутар, барча-барчасини ичида сақларди.У оддий инсон эмас, балки ўзига хос хислатга эга иродали аёл эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик хотин-қизлар бу нозик табиатли аёлга ҳавас билан қарашар, унинг мафтункорлиги эса манаман-ман деган эркакларни ҳам ром этмасдан қўймасди. Унинг гўзаллиги ва самимийлигидан дунё баҳра оларди.

Жон Кеннедидан рафиқаси ҳақида сўрашганда, "**у фариштa**" дея кулимсираб жавоб берган эди. Генерал Шарл де Голл ҳам Жеккининг гўзаллигига мафтун бўлиб "**Жаклин хоним шундай бир қимматбаҳо аёлки, ҳатто Кеннеди ҳам унга арзимайди**" деган фикрни билдиради.

Хўш, ҳақиқатдан ҳам, Кеннеди хоним фариштасифат аёл эдими?

Йўқ, унинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор эди. Масалан, у худбин бўлиб, молу давлатга ҳирс қўйган эди. Антиквар нарсалар ва кийим учун пулни аямай совурарди. У ҳаммани лол қолдирадиган даражада кийинар ва пардоз қилар эди. Баъзан у атайин Жон Кенединнинг жиғига тегиш учун ҳам Жаклин уйига келган меҳмонлар билан бирга француз виноларидан ичар ва рақсга тушар эди. Бундан эса эрининг жаҳли чиқиб, ўртада яна хафагарчилик келиб чиқарди. Очиғини айтсак, Кеннеди хотинини, Жаклин эса эрини рашк қиларди. Улар ўртасида севги билан нафрат ёнма-ён юрарди.

(Давоми кейинги сонда)

Ҳусан ТУРСУНОВ тайёрлади.

Mitti maslahat

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ КИМГА ТЎЛАНАДИ?

Маълумки, фуқароларни ўз касби ва имкониятларига мос келадиган иш билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари эса Конституция, Меҳнат кодекси ва янги таҳрирдаги **"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"**ги қонун асосида ҳимоя қилинади. Чунончи, асосий қонунимизнинг 37-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳамда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Демак, бундан кўриниб турибдики, давлатимиз нафақат ишлаётган, шу билан бирга маълум сабабларга кўра, иш ахтариб юрган ишсиз фуқаролар манфаатини ҳам ҳимоялайди. Масалан, амалдаги Меҳнат кодексининг 65-моддасида ишсиз юрган фуқароларга нафақа тўлаш шартлари ва муддатлари кўрсатилган. Унга кўра, ишсизлик нафақаси фуқароларга тегишли тартибда маҳаллий меҳнат идорасидан рўйхатдан ўтиб, ишсиз деб эътироф этилган кундан бошлаб тайинланади. Бундан англашиладики, ишсизлик нафақаси тегишлича ишсиз деб рўйхатга олинган шахсларга берилади. Айтиш жоизки, ишсизлик нафақасининг миқдори турли омилларга боғлиқ бўлиб, масалан, аввал меҳнат қилган ва маълум сабаблар билан ишламаётган фуқарога нафақа тайинлашда унинг илгариги йиллик ўртача иш ҳақи, мабодо олдин ишламаган, биринчи марта иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган шахсларга эса белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи асос қилиб олинади. Шунингдек, ишсизлик нафақаси муддати **"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"**ги қонунда ҳам белгиланган. Унга кўра, иш ва иш ҳақидан маҳрум бўлган ёки узоқ (1 йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календар ҳафта; илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнида ўн уч календар ҳафта кунлари ҳисобланиб, ишсизлик нафақаси тўланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат идорасида йўқламадан ўтиб туриши лозим. Акс ҳолда ишсиз шахсга ишсизлик нафақаси тўлаш бекор қилиниши, тўхтатиб қўйилиши ёки унинг миқдори камайтирилиши мумкин.



Табиат манзаралари

Charxi kajraftor

ОМАД ҲАМИША КЕЛАВЕРМАЙДИ

Юқоридаги сарлавҳани ўқиб хаёлингиздан баногоҳ шу номдаги фильм ўтдими? Тўғри, фильм воқеалари киши лабида табассум индиради. Аммо ҳаётда ҳам шундай воқеалар учрайдики, киши беихтиёр "шунақаси ҳам бўларканда" деганини билмай қолади.

* * *

АҚШнинг Калифорния штати губернаторлигига таниқли киноактёр Арнольд Шварцнеггернинг сайлангани кўпчиликни ажаблантирган эди. Янги губернатор ҳозирда ҳам одамларни ҳайрон қолдиришда давом этяпди. Гап шундаки, губернатор жаноблари бир нечта антиқа қонун-қоидаларни қабул қилмоқчи. Улардан бири штатда аёлларга машинани уй кийимида бошқаришни тақиқлаш ҳақида. Яна бир қоидада ҳеч ким, ҳатто қоровулларнинг ҳам ўтлоқда ўйнаб юрган болакайларга танбеҳ бермаслиги баён этилган. Каснич шаҳарчасида эса тиш дўхтири янглишиб мижознинг соғлом тишини суғуриб олса, унда мижоз ҳам айнан шу усулда дўхтирдан қасос олиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисида қонун қабул қилиниши арафасида.

* * *

Франциялик Жюл Дюпре банкни ўмаради. Каттагина бойликни қўлга киритган Дюпре биринчи дуч келган автомобилни тўхтатади ва ҳайдовичга "тез ҳайда, полиция йўқлигида қочволай" деб дўқ-пўписа қилади. Нафас ростлагач, у не кўз билан кўрсинки, шошганидан полициянинг патурл машинасини тўхтатган экан. Талончи машинанинг ўзида қўлга олинади.

* * *

Нью-Жерси штатида яшовчи Кевин Фрице йўналишдаги автобусни йўловчилари билан бирга ўғирлаб кетди. У ҳайдовчининг орқасидан келиб, унинг бўйнига тўппончани тўғрилади-да, ҳеч қайси бекатда тўхтамай ўз йўналиши бўйича автобусни энг катта тезликда ҳайдашни буюради. Кўзлаган мақсадини амалга оширолмаган омадсиз Фрице ўзининг бу қилмишини полицияга изоҳлаб беришича, ишга кеч қолишидан қўрқиб шу йўл билан автобус ҳаракатини тезлаштириб юборган экан.

* * *

Марк Райан Лии шаҳри (АҚШ)даги банкни эсон-омон ўмаради, кейин таксига ўтириб, пул тўла қопни қучоқлаганича йўлга тушди. Бир неча чақиримдан сўнг машинани полиция тўхтатди. Полиция ходими таксидаги йўловчининг ниқобда кетаётганидан таажжубланган эди.

* * *

Америка баскетболининг қироли Майкл Жорданга қарашли дўконнинг витринасидан чемпионнинг учта медали ва соатини ўмариб ниҳоятда бойиб кетишни мўлжалланган ўғрилардан ҳам омад юз ўгирди. Чунки уддабурон Майкл у ерга медалларининг нусхасини қўйиб, аслини эса темир сандиқда сақлар экан.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА тайёрлади.

ЮРАК ТУБИДАГИ ЎКИНЧ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Кейинги сафар келганда Абубакир чойхонада кўпроқ ўтиради. Санобарга хотинидан ёзғиради. Ундан кўнгли тўлмаслиги, ажрашаётганини айтади. Атай беш фарзандини уч нафар деб уларни ҳам ўзининг ота-онасиникида яшаётган қилиб кўрсатади. Санобар эридан, у эса хотинидан норизо. Демак, иккаласининг дард-ташвишлари бир. Шундан сўнг улар бир-бирлари билан яқинлаша бошлашади.

Санобарнинг опаси Райҳон синглиси билан куёвининг рўзғори жар ёқасига келиб қолганидан ташвишда эди. У синглисини бу йўлдан қайтаришга кўп уринди. Лекин Санобар хаёллар орзусида осмону фалакда учиб юрар, пастга тушишни ҳечам хоҳламасди. У яқин вақтлар ичида Абубакир билан турмуш қуришни, жазман ваъда қилаётган жаннатда яшашни ўйлаётганди. Райҳон опанинг таклифи билан Санобар бир куни Абубакирни унинг ҳузурига олиб келади. Абубакир Райҳон опага Санобарга уйланишини баён қилиб, тилхат ёзиб беради.

Шу йилнинг 30 апрел куни Санобар эрталабданоқ Абубакирнинг ишхонасига боради. Ундан икки ойлик ҳомиладор эканини айтади. Эҳтимол, Санобар бу хабардан Абубакир қувониб кетади, мақсадимизга етишишни тезлаштиради деб ўйлагандир. Лекин бунинг акси юз беради. "Ҳомилангни олдириб ташла, акс ҳолда шарманда бўласан", дея Абубакр Санобарнинг қўлига ўн миннг сўм пул тутқазади. Танишганидан буён "Эрингни йўқот, кейин сенга уйланаман" деган Абубакирнинг ваъдалари ёлғон эканини Санобар ҳали тушуниб етгани йўқ эди. Эҳтимол, ваъда бошқа-ю, иш бошқача тус олаётганини мулоҳаза қилганида иродасиз, вафосиз аёл бир кундан сўнг кечқурун жиноятга қўл уриб, эрига пичоқ кўтармасмиди?..

Санобарни кутиб турганди. Шу пайт бир тарафдан қизалоғини етаклаган аёл, иккинчи томондан худди кутиб тургандай Дўстмурод кўринади.

— Тўйга кетаяпсанми ёки... – деди Дўстмурод хотинига гап қотиб.

— Нима ишинг бор, – дея жавоб қилди Санобар эрига жеркиниб, – тўйга бораманми, бошқа жойга бораманми — ўзим биламан...

Орадан кўп ўтмай Санобар яна Абубакирга учрашади ва эртага У.Юсупов номидаги ширкат хўжалигида тўй қилаётган қариндошиникига бирга бориб келишни айтади. Абубакир ҳам унинг илтимосига рози бўлади ва улар кечки соат саккизлар атрофида Нуристон шаҳарчасидаги шоҳбекатда учрашишга келишишади.

III. СУИҚАСД

Дунёда ҳамма нарсанинг сўроғи бор. Одам баъзан адашиши, хато қилиши мумкин. Айниқса, номаъқул ишдан вақтида қайтиб, ўзини тартибга солиб олмаскан, одам нафақат виждон, балки табиатнинг берадиган жазоси олдида ҳам ожиз ва нотовонлигича қолади.

Тўйга бирга боришга келишилган паллада Абубакир шоҳбектда пичоқ уради. Саросимада қолган Дўстмурод Санобарнинг қўлидаги пичоқни тортиб олади. Бироқ ҳаммаёғи қонга бўялган Дўстмуроднинг кўз олди тиниб бораётганди. У базўр "Тез тиббий ёрдам" бўлимига йўл олади.

Кўп қон йўқотганидан унинг аҳволи тобора оғирлашаётганди. Биринчи тиббий ёрдамдан сўнг шифокорлар Дўстмуродни Нишон тумани марказий касалхонасига жўнатишади. Шифокорларнинг астойдил ҳаракати билан унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Шу ерда иккаласи ўртасида гап қочади. Дўстмурод Абубакирни четга чақиради. Ҳудуд нозирига «Санобарни тинч қўяман, оилага совуқчилик солмайман» деган мазмунда тилхат ёзиб бергани, лекин унга амал қилмаётганини эслатади. Абубакир эса битта жавобни такрорлайди: "Сенинг ишинг бўлмасин, мен Санобарга уйланмоқчиман"...

Бу пайтда атрофга ғира-шира қоронғулик тушганди. Уйга қайтиб кирган Санобар қўлида пичоқ билан Дўстмуродга яқинлашади. Абубакир улардан ўнгирма беш метрлар чамаси олисда қорайиб кўринаётганди. Санобар тўсатдан Дўстмуроднинг бўйин, бошига, кўкрагига, орқа томонига кетма-кет

Jinoyatga jazo muqarrar

ларини тан олди. У Санобарни алдаб, бир оиланинг тинч бахтига ҳовут солган. Санобарнинг ишончига кириб, Жиноят кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган.

Суд Санобар Рўзановани қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш жиноятини содир этганликда айблаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Абубакир Расуловга эса 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинлади. Унинг ойлик иш ҳақидан 20 фоизи давлат даромадига ундириладиган бўлди.

Эр гўёки оила устуни. У рўзғорнинг кам-кўстини тузатмоғи, туғилган муаммони вақтида илғаб мулоҳаза билан ечмоғи керак. Акс ҳолда дилсиёҳликларга дилсиёҳликлар қўшилаверади. Бир кун келиб эр-хотин ўртасидаги илиқлик ўрнини араз, гина-кудрат эгаллаб олиши ҳам мумкин. Бу масалада Дўстмуродни оқлаш мумкинми? Бизнингча, йўқ! Зеро, воқеаларнинг бу даражада қуюшқондан чиқиб кетишида Дўстмуродни айбсиз деб бўлмайди. Ғурурининг топталиши, эл ичра овоза бўлиши, бошига тушган кўргуликлар учун кўпроқ ўзи айбдор эмасми?

IV. СУДДАГИ СЎНГГИ СЎЗ

Судда Санобарга сўнгги сўз берилди:

— Мен Абубакир Расуловнинг "хотинимни ёқтирмай қолиб, ажрашганман. Икки ўғлим ва бир қизим бор. Улар ота-онам билан яшашади. Агар рози бўлсангиз, сизга уйланаман, эрингиздай сизни хор қилиб қўймайман", деган гапларига ишониб, қаттиқ адашдим...

Қилмишидан пушаймон аёлнинг суддаги сўнгги сўзи юрак тубидан отилиб чиққан ўкинч эди. Лекин энди кеч. Уни ким кечиради?

Абубакир Расулов ҳам судда ай-

Парда ЭШМАТОВ, ҳуқуқшунос
Ҳамид ЭГАМ, "Инсон ва қонун" мухбири

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2004 йил 3 сентябрдаги 6/2004 сонли қарорига асосан Зангиота туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кўчқор Исабоевич Далабоев номига 1997 йилда берилган TS 000054 сонли нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензияси бекор қилинди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2004 йил 3 сентябрдаги 6/2004-сонли қарорига асосан Чиноз тумани давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Абдусаттор Абдулҳафизович Ғаниев номига 2000 йилда берилган TS 00081 сонли нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензияси бекор қилинди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2004 йил 9 сентябрдаги қарори билан фуқаро Дўстмуродов Маҳмуджон номига берилган GZ 000058 серияли, 58 рақам билан давлат реестрида қайд этилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бекор қилинди.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50